

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РИЗАЕВ ЭЛЕР АЛИМДЖОНОВИЧ

**ТАРҚАЛГАН ПАРОДОНТИТНИНГ УСТУВОР ПАТОГЕНЕТИК
РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ АСОСИДА УНИ
ПЕРСОНИФИЦИРЛАНГАН ДАВОСИНИ АСОСЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Ризаев Элер Алимджонович

Тарқалган пародонтитнинг устувор патогенетик ривожланиш механизми асосида уни персонифицирланган давосини асослаш..... 3

Ризаев Элер Алимджонович

Обоснование персонифицированной терапии генерализованного пародонтита на основе приоритетных патогенетических механизмов его развития 32

Rizaev Elyor Alimdjonovich

Substantiation of personalized therapy of generalized periodontitis on the basis of priority pathogenetic mechanisms of its development 60

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 64

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РИЗАЕВ ЭЛЕР АЛИМДЖОНОВИЧ

**ТАРҚАЛГАН ПАРОДОНТИТНИНГ УСТУВОР ПАТОГЕНЕТИК
РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИ АСОСИДА УНИ
ПЕРСОНИФИЦИРЛАНГАН ДАВОСИНИ АСОСЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

**ТИББИЁТ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА
ФАҢ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2020.2.DSc/Tib430 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsdі.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Бекжанова Ольга Есеновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Акилов Хабибулла Атауллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шаковец Наталья Вячеславовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Беларус Республикаси)

Искандарова Шахноза Тулкиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Дусмухамедов Махмуд Закирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Н.Н.Бурденко номли Воронеж давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.К.Хайдаров

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.И.Ирсалиев

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Пародонтит – пародонт, уни ўраб турувчи тўқималарининг сурункали яллиғланиш касаллигидир. Касалликнинг жадаллашуви пародонтал боғламнинг йўқолиши ва альвеоляр суякнинг емирилишига олиб келади. Энг кўп учрайдиган стоматологик касалликлар – пародонт касалликларидир. Эпидемиологик тадқиқотлар маълумотларига кўра, 40 ёшдаги аҳолининг 60%ида милкнинг яллиғланиш-деструктив бузилиш белгилари мавжуд, 40 ёшдан сўнг ушбу белгилар деярли 100% ҳолатда кузатилади. Бу борада “...тиш йўқотилишининг асосий сабаби ва оғиз бўшлиғи саломатлиги учун энг жиддий тахдидлардан биридир”¹ асосланган маълумотлар бор. Пародонт касалликлари саломатлик билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар, жумладан оғиз бўшлиғининг маҳаллий муаммолари, шунингдек умумий саломатлик кўрсаткичларининг ёмонлашуви ва турли ҳил генездаги соматик патологиянинг оғирлик даражасини ортиши билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг сабаби бўлиб ҳисобланади. Хозирги вақтда “...касаллик ривожланишида ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг муҳим аҳамияти, бу аҳолининг паст тиббий маданияти ва оғиз бўшлиғит гигиенасига риоя қилмаслик билан боғлиқ”² фикрлар тасдиқланмоқда. Пародонт касалликларини даволаш ва профилактикасига илмий ёндашув патология тарқалувчанлиги ва уни шакллантирувчи омиллар орасидаги жараёнларни ўрганишга асосланган бўлиши керак. Бу борада, аҳолининг маълум популяцияси учун хос бўлган устувор хавф омилларини аниқлаш ва уларни хавф омиллари даражасига кўра тақсимлаш лозим.

Жаҳон адабиётида тарқалган пародонтитни олдини олиш ва даволаш мақсадида бажарилган бир қатор илмий-тадқиқот ишлари келтирилган, уларда белгиланиши бўйича: касаллик келиб чиқишида нафақат тиш караши бактерияларининг этиологик роли, балки пародонтит ривожланишида организмнинг таъсирланиш хусусиятлари, зарарли одатларнинг мавжудлиги, генетик омиллар ва ёндош соматик патологияларни аниқлаш; ревматоид артрит ва сурункали пародонтит жараёнларини оғирлаштирувчи стресс таъсирини асослаш; пародонтитнинг ассоциацияси милк тўқимаси ва биологик суяқликларда, жумладан сўлак ва милк суяқлигида, суякнинг ремоделланиш маҳсулотлари таркибининг пасайиши, суяк резорбциясини ортишига олиб келишини изоҳлаш; тарқалган пародонтитни даволаш уйқу артерияси интимасининг қалинлашиш жараёнини жадаллашишини ҳаққоний

1 Емелина Е.С., Пылайкина В.В., Никонова А.В., Романова Р.О., Суворова М.Н. Заболевания пародонта: эпидемиология и зависимость от гигиенического состояния полости рта среди инвалидов по слуху города пензы // Современные проблемы науки и образования. – 2017. – № 6. Абдулмеджидова Д.М. Факторы риска развития заболеваний пародонта у взрослого населения // Российский стоматологический журнал. -2017. - Т.21 (2). – С. 72-75

2 Гожая И.Н. Риск развития заболеваний пародонта при наличии хронических социальных стрессов у клинически здоровых лиц // Пародонтология. – 2012. – №1. – С. 21-25. Carvajal P, Vernal R, Reinerо D, Malheiros Z, Stewartx B, Pannuti CM et al. Periodontal disease and its impact on general health in Latin America. Section II: Introduction part II // Braz. Oral Res.- 2020. - №34 (suppl). - e023. – P.1 –7.

камайтиради, шунингдек қондаги яллиғланишни ўткир фазаси оксили – С – реактив оксил концентрациясини пасайишини асослаш. Буларнинг барчаси тарқалган пародонтитнинг кенг тарқалганлиги ва касалланишнинг пасайишга тенденцияси йўқлиги сабабли муаммонинг долзарблигидан далолат беради.

Мамлакатимиз аҳолиси орасида турли касалликларни эрта ташхислаш ва башоратлаш ҳамда уларнинг асоратларини аҳоли орасида камайтиришга қаратилган кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда «... соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли ўртасидаги касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш ҳаммабплиги ҳамда сифатини ошириш, ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий хизматни кўрсатиш...»³га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, стоматологик ёрдам кўрсатишни яхшилашга қаратилган, жумладан сурункали тарқалган пародонтитли беморларни ўз вақтида ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича тадбирлар ва вазифалар белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июнидаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни келгусида ривожлантириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3071-сон Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи.⁴

Тарқалган пародонтитни, унинг ривожланишидаги устувор патоген механизмлари асосида персонифицирланган давосини ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.pubmed.com, welcome.miami.edu, www.uic.edu, www.yokohama-cu.ac.jp, www.eco.unicamp.br, www.asu.edu.eg, www.umlub.pl, www.ulsan.ac.kr, www.units.it, www.uniud.it, www.uni-marburg.de, www.hu-berlin.de, www.mountsinai.org, www.BMJ, www.heidelberg-university, unige.it, www.aiims.edu, www.evms.edu, www.isciii.es, www.arizona.edu, www.uh.edu, www.uab.edu, www.hopkinsmedicine.org, optometry.osu.edu; www.tdsi.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

марказлари ва олий таълим, жумладан: National Institutes of Health, American Association of Public Health Dentistry, University of Texas, University Miami, Harvard School of Dental Medicine (USA), University of São Paulo (Brazil), Medical University of Graz (Austria), University of Helsinki (Finland), Aichi-Gakuin University, Hokkaido University, Yokohama City University (Japan), Mahidol University, National Taiwan University (Thailand), Islamic Azad University, Shiraz University of Medical Sciences (Iran), Sun Yat-sen University (China), University of Sydney, University of Western Australia (Australia), Ukrain Medical Stomatological Academy (Украина) ва Тошкент давлат стоматология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Тарқалган пародонтитни этиопатогенези, ташхислаш усуллари ва патогенетик даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, улар асосида қуйидаги натижалар олинган: жумладан, пародонтопатогенларнинг ДНКси турли ҳил томир тўқималарининг атером бляшкаларида топилиши исботланган, бу эса жараёни ривожланишида атероматоз патологиянинг иштирокини тахмин қилиш имкониятини беради (Medical University of Graz (Австрия)); махсус тадқиқотларда пародонтитни даволашдан сўнг атеросклероз биомаркерлари концентрациясининг пасайиши кўрсатилган (University Miami (АҚШ)); пародонтит давосидан сўнг 6 ой ўтгач, тизимли қон оқимида юрак-қон томир патологияси билан корреляцияланувчи яллиғланиш ва эндотелиал функция маркерларининг пасайган концентрацияси қайд этилади (Karadeniz University (Туркия)); пародонтит ва гипертония касалликлари орасида ўзаро боғлиқлик исботланган, улар бир нечта умумий ҳавф омилларига эга бўлиб, пародонтитли беморларни даволашда эътиборга олиниши лозим (Shiraz University of Medical Sciences (Эрон)); қандли диабет ва микроциркуляцияни бузилишида пародонтитни жадал кечишига, пародонтопатогенлар ва яллиғланиш билан боғлиқ бўлган реакциялар каскадини ошишини рағбатлантирувчи глюкоза концентрациясининг ортиши ва саливациянинг пасайиши муҳим ҳисса қўшади (University Miami (АҚШ)); пародонтал боғлам хужайраларида эстроген рецепторлари орқали остеоген дифференцировка кўллаш учун эстрогенларнинг муҳимлиги исботланган (Hokkaido University (Япония)); суяк ҳажмининг тизимли йўқолиши, пародонт деструкцияси хавфи индикатори ҳисобланган, менопауза даврида аёлларда остеопения ва тишлар аро альвеоляр суякнинг йўқотилиши орасидаги тор боғлиқлик мавжудлиги исботлаган (University of Western Australia (Австралия)); тарқалган пародонтитни, унинг ривожланишидаги устувор патогенетик механизмларга асосланган персонифицирланган давоси такомиллаштирилган (Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистон)).

Дунёда тарқалган пародонтитни, унинг ривожланишидаги устувор патогенетик механизмларга асосланган персонифицирланган давосини такомиллаштиришда юқори самарадорликка эришиш учун устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан: аҳолини

тиббий-ижтимоий кўриқдан ўтказиш асосида турли ёш гуруҳларида тарқалган пародонтит ривожланишининг етакчи омилларини аниқлаш; тиббий-ижтимоий детерминантлар таҳлили ва унинг асосида тарқалган пародонтит ривожланиш хавфини баҳолаш моделини яратиш; индивидуал хавфни аниқлаган ҳолда, беморларда микроциркуляция, липопероксикация, цитокин баланси ва минераллар алмашинуви жараёнларини специфик даволаш заруриятини таҳлили; пародонтит ривожланишида етакчи патогенетик механизмларнинг бузилиши кузатилган беморларда тарқалган пародонтит персонифицирланган давоси самарадорлигини баҳолаш.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. Тарқалган пародонтит этиологияси ва патогенези ҳақидаги замонавий тушунчалар аҳамиятли трансформацияга учрамоқда. Касалликнинг этиологик агенти сифатида конкрет анаэроб пародонтопатоген микроорганизмлар эътироф этилади. Патология ривожланишида анаэроб микроорганизмларнинг аниқ этиологик ролига қарамай, инсон организмнинг бош ўрни биринчи қаторга чиқарилмоқда, чунки унинг ҳолати пародонт тўқималари шикастланишларининг даражаси ва кечиш тавсифини белгилаб беради. Ушбу борада, инсон организмнинг яллиғланиш реакцияси даражаси микробларни ривожланишига реакция ҳисобланмай, аксинча уларни ривожланишига сабаб бўлади деган концепция таклиф этилмоқда. Бу концепция пародонтит “инфекцион” (анъанавий нуқтаи назар) ёки “яллиғланиш” касаллиги эканлиги тўғрисидаги бахсларни акс эттиради (Carvajal P., Vernal R. et al. 2020, Masahiro T.O., Masato Matsuo et al. 2020). Маданий ва ижтимоий-иқтисодий тўсиқлар профилактика, эрта ташҳислаш ва даволаш, ҳамда оғиз бўшлиғини парваришлаш маданиятини шакиллантириш учун жиддий тўсиқлик бўлиб ҳисобланади (Блашкова С.Л., Мартъянова М.В. 2016, Кильмухаметова Ю.Х., Батиг В.М., Абрамчук И.И. 2017). Ижтимоий тенгсизлик оғиз бўшлиғи гигиенаси ва профилактиканинг рационал чоралари тўғрисидаги хабардорликни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда лозим бўлган профилактик ёрдамни ҳам аҳоли даражасида, ҳам индивидуал даражада кўрсатишда тўсиқ бўлиб ҳисобланади (Валиева Р.М., Негаметзянов Н.Г., Исмаилов Р.М. 2017, Грудянов А.И., Кречина Е.К., Ткачева О.Н., Авраимова Т.В., Хатагов А.Т. 2018).

Пародонтит касалликлари саломатлик билан боғлиқ бўлган, жумладан оғиз бўшлиғининг маҳаллий муаммолари (тишларнинг жадал йўқотилиши ва альвеоляр суякнинг сўрилиши), ҳамда турли ҳил генездаги соматик патология оғирлигининг ортиши ва умумий саломатлик кўрсаткичларининг ёмонлашуви билан боғлиқ бўлган жиддий муаммоларнинг сабабчисидир (Орехова Л.Ю. ва ҳаммуал., 2020, Funaki S, Tokutomi F, Wada-Takahashi S et al. 2016). Пародонтнинг яллиғланиш – деструктив зарарланиши – ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари, юрак-қон томир касалликлари, респиратор касалликлар, қандли диабет, буйрақларнинг сурункали касалликлари, ревматоидли артрит, деменция, метаболик синдром, ўсмалар каби кўпгина тизимли касалликлар ва ҳолатлар билан боғлиқдир (Quintero

A.J., Chaparro A., Quirynen M., Ramírez V., Prieto D., Morales H., et al. 2018, Sen S., Chung M., Duda V. et al. 2017).

Персонализацияланган тиббиёт – даволашда стандартизациянинг асосий муқобилидир. Бу, беморнинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда, даволаш стратегияси ва тактикасини белгилаш учун лозим. Бу ёндашув мавжуд бўлган, ўртача клиник-лаборатор кўрсаткичларига таянган тиббий ёрдам стандартларидан фарқ қилади. Замонавий диагностик имкониятлар ҳар бир конкрет беморни даволашда индивидуализация имкониятини беради. Биринчи навбатда персонифицирланган тиббиёт турли генездаги патологияларга мойиллик генетик маркерларини аниқлашга йўналтирилган (Петров В.И., Шишиморов И.Н., Магницкая О.В., Толкачев Б.Е. 2016, Горбачёва И.А., Сичёва Ю.А. Орехова Л.Ю. 2017). Аммо, модификацияланган ва модификацияланмаган хавф омилларининг катта миқдори билан боғлиқ бўлган, мультиомилли касалланиш ҳолатида, клиник-лаборатор тадқиқотлар натижаларининг индивидуал таҳлилинини инобатга олувчи, персонифицирланган даво усулларини қўллаш долзарб ҳисобланади (Сичев Д.А., Шуев Г.Н., Торбенков Е.С., Адриянова М.А. 2017).

Шу сабабли, пародонтит ривожланишининг етакчи патогенетик механизмлари бузилган беморларда тарқалган пародонтитни персонифицирланган давосини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш лозим, бу эса диссертация иши долзарблигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011400196 “Атроф муҳит таъсирларини ҳисобга олган ҳолда юз-жағ соҳасида нуксони, деформацияси, яллиғланиш касалликлари ва жароҳатлар, ҳавфли ўсмалар бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишга замонавий ёндошувларни ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: тарқалган пародонтитнинг персонифицирланган давосига услубий ёндашувни такомиллаштириш ва ривожланиш прогнозини асослаш

Тадқиқотнинг вазифалари:

аҳолини тиббий-ижтимоий текшируви асосида популяцияда ва турли ҳил ёш гуруҳларида пародонтит ривожланишининг етакчи омилларини аниқлаш, унинг ривожланиш хавф омилларини аниқловчи моделини ишлаб чиқиш;

тиббий-ижтимоий детерминантларнинг таҳлилинини ўтказиш ва тарқалган пародонтит ривожланиш хавфини баҳолаш моделини ишлаб чиқиш;

солиштирма тадқиқотлар асосида специфик, патогенетик йўналтирилган персонифицирланган давонинг заруриятини асослаш;

персонифицирланган давони танлаш учун тарқалган пародонтит ривожланишининг устувор механизминини аниқлаш моделини ишлаб чиқиш;

тарқалган пародонтитли беморларни персонифицирланган даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш;

тарқалган пародонтитли беморларда, унинг ривожланишидаги етакчи патогенетик механизмлари бузилганида персонифицирланган давонинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 20 ёш ва 60 ёшдан катта бўлган Ўзбекистоннинг катта ёшдаги аҳолиси олинган. Танловнинг умумий сонини 1036 киши ташкил этган бўлиб, шу билан бирга, Тошкент давлат стоматология институти клиникаси терапевтик стоматология поликлиникасида 2018-2021 йиллар оралиғида амбулатор даволанган, 18-60 ёшдаги 143 та тарқалган пародонтитли беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети пародонтал чўнтак, пародонт тўқималари, оғиз суюқлиги, қон зардоби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ижтимоий-гигиеник, клиник, иммунологик, генетик, биокимёвий, патоморфологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

математик-статистик моделларни қўллаш йўли билан тарқалган пародонтит ривожланишида юзага келишини башоратлаш ва моделлаштириш самарадорлигини оширишга илмий асосланган ёндашув ишлаб чиқилган;

хавф омилларининг тарқалувчанлиги ва касаллик юзага келишида кўшган ҳиссасини инобатга олувчи, тарқалган пародонтит ривожланиш хавфини интеграцион баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

тарқалган пародонтитни устувор ривожланиш механизмларини аниқлаш мақсадида турли хил инструментал, биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларни баҳолашнинг универсал модели ишлаб чиқилган;

беморларда индивидуал хавфни аниқлаган ҳолда, микроциркуляция, липопероксикация, цитокинли баланс ва минерал алмашинуви жараёнларининг специфик давосини ўтказиш лозимлиги исботланган;

аниқ клиник вазият, соматик патологиянинг оғирлиги ва тавсифига ҳамда специфик патоген жараёнларининг силжиш йўналишига мослашган тарқалган пародонтит ривожланишининг муҳим патогенетик механизмларини коррекциясига методик ёндашувлар илмий асосланган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари тизимли бузилишларни чуқурлаштирилган изланишларини олиб бориш ва врач-интернистлар кўригидан ўтиш заруриятини инобатга олиб, турли беморларда аниқланган касалликларнинг спектридаги аҳамиятли ўзгарувчанлик, ҳамда маҳаллий устувор механизмлар билан боғлиқ бўлган соматик патология ва пародонт патологияси орасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги асосланган;

пародонт патологияси ривожланишини индивидуал хусусиятлари баҳоланганидан ҳамда юқори ва жуда юқори хавф омиллари аниқланганидан ва касалликни клиник кўриниш хусусиятлари қайд этилгандан сўнг, янада чуқурлаштирилган кўрикларни ўтказиш ва қўшимча патогенетик

йўналтирилган давони тайинлаш учун стоматолог, мутахассисликлараро ҳамкорликни амалга оширилиши исботланган;

ишлаб чиқилган башоратловчи моделни клиник амалиётда жорий этилиши тарқалган пародонтит хавфи юқори бўлган беморларни аниқлаш учун қўлланилиши, даволаш-профилактика тадбирларини ўз вақтида ўтказилиши, ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ортиши исботлаган;

хавф омиллари бўлган ва касаллик ривожланиши билан статистик боғланган индивидуал тиббий-ижтимоий тавсифномалар патология ривожланишини бартараф этиш мақсадида даволаш-ташқилий тадбирларни ўз вақтида ўтказилишининг асоси эканлиги, ўтказилан тадқиқотлар самарали давони тайинлаш мақсадида, тарқалган пародонтитли беморларни кўриқдан ўтказиш режасини шакллантиришни асослаган;

ишлаб чиқилган модель тарқалган пародонтитнинг ривожланишини патогенетик механизмлари бўлган микроциркуляциянинг бузилиши, липопероксикация жараёнларининг устунлиги, цитокинларнинг жадаллигини ортиши ва суяк резорбциясининг кўпайишига қаратилган маҳаллий даво тактикасини яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий, иммунологик, математик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, пародонтит ривожланишидаги устувор патогенетик механизмлар асосида тарқалган пародонтитни персонифицирланган давосини такомиллаштирилгани билан асосланади. Олинган маълумотлар халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланган; хулоса, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тарқалган пародонтит ривожланишининг муҳим патогенетик механизмларини клиник-инструментал ва иммун-метаболик тадқиқотлар натижаларини визуализация қилиш имкониятини бериши ва персонифицирланган даво тактикасини белгилаши билан изоҳланади, хавф омиллари бўлган ва касаллик ривожланиши билан статистик боғланган индивидуал тиббий-ижтимоий тавсифномалар аҳолининг турли ёш гуруҳларида популяцион даражада патология ривожланишини бартараф этиш мақсадида, даволаш-ташқилий тадбирларни ўз вақтида ўтказилишининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, пародонтит ривожланишининг тиббий-ижтимоий хавф омиллари бўйича индивидуал хавфни прогностик моделини клиник амалиётда қўлланилиши, тарқалган пародонтитни юқори хавфи бўлган беморларни аниқлаш имконини бериши, тиббий профилактик тадбирларни ўз вақтида бажарилиши ҳамда даволаш ва профилактика даражасини ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.

Пародонтит ривожланишидаги устувор патогенетик механизмлар асосида тарқалган пародонтитни персонифицирланган давосини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

касаллик ривожланишининг устувор механизмларини белгиловчи маркерларни аниқлаш йўли орқали пародонтит давосини ҳажми ва усулини максимал индивидуаллаштиришга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Клиник-лаборатор кўрсаткичларни интеграл баҳолаш асосида тарқалган пародонтитнинг персонифицирланган давоси» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 январдаги 8н-р/13-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома клиник-биокимёвий ва инструментал текширувларда олинган ўртача кўрсаткичлари асосида тарқалган пародонтитни даволашнинг анъанавий қўлланиладиган стандартлари ва алгоритмларини ўрнига персонализацияланган давони қўллаш имконини берган;

пародонтит ривожланишини бартараф этиш мақсадида даволаш-ташкилий тадбирларни ўз вақтида ўтказилиши ҳамда ташҳислаш ва даволаш даражасини ошириш мақсадида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида «Тиббий-ижтимоий омиллар бўйича тарқалган пародонтит ривожланиш хавфини баҳолаш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 январдаги 8н-р/12-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома тиббий-ижтимоий омиллар бўйича тарқалган пародонтит ривожланиш хавфини баҳолаш усули ёрдамида тиббий-профилактика тадбирларини ўз вақтида ўтказиш имконини берган;

аҳолининг алоҳида гуруҳларида специфик профилактикани асослаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида «Пародонтит тарқалувчанлиги эпидемиологик ўрганилганда, унинг ривожланишининг хавф омилларини баҳолашга услубий ёндашув» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 январдаги 8н-р/11-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома пародонтит тарқалувчанлиги эпидемиологик ўрганилганда, унинг ривожланишининг хавф омилларини баҳолаш имконини берган;

Пародонтит ривожланишидаги устувор патогенетик механизмлар асосида тарқалган пародонтитни персонифицирланган давосини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд вилояти стоматология поликлиникаси ва Тошкент шаҳар 1-сон стоматология поликлиникаси амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги 8н-д/37-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши тарқалган пародонтитни юқори хавфи бўлган беморларни аниқлаш ва шу билан даволаш-ташкилий тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳамда ташҳислаш ва даволаш даражасини ошириш имконини берган. Ишлаб чиқилган дастурий модуль тарқалган пародонтит ривожланишининг муҳим патогенетик механизмларини клиник-инструментал ва иммун-метаболик

тадқиқотлар натижаларини визуализациялаш имконини беради ва персонифицирланган даво тактикасини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 илмий- амалий анжуманларда, жумладан 5та халқаро ва 5та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11та илмий мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари аниқ шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги белгиланган ва амалий натижалари ажратиб кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи “Адабиётлар шарҳи” бобида пародонтит ривожланиши ҳафв омиллари, тарқалган пародонтитнинг этиология ва патогенези тўғрисидаги замонавий тушунчалар батафсил баён қилинган. Турли генездаги тизимли соматик патологиялар билан пародонтит ассоциациясининг ўрни таҳлил қилинган.

Пародонтит ривожланишида оксидловчи стресс каби, иммун яллиғланиш механизмларининг аҳамияти, пародонтит ва остеопарознинг патогенетик ўзаро боғлиқлиги, ҳамда пародонтит патогенезида марказий гемодинамика ва микроциркуляциянинг бузилишдаги ўрни ифодаланган.

Диссертациянинг “Тадқиқот материаллари ва усуллари” деб номланган иккинчи бобида Тошкент давлат стоматология институти терапевтик стоматология кафедрасида олиб борилган тадқиқотларнинг умумий тавсифи келтирилган.

Ишнинг биринчи босқичида, 20 ёшдан 60 ёшгача бўлган Ўзбекистон аҳолиси эпидемиологик кўрикдан ўтказилган. Эпидемиологик тадқиқотлар 2018 йилан 2021 йилгача бўлган давр мобайнида ўтказилган. Кўрикнинг умумий ҳажми 1036 кишини, шу жумладан 555 нафар (53,57%) аёллар ва 481 нафар (46,43%) эркакларни ташкил қилган.

Тадқиқот стоматологияда эпидемиологик тадқиқотлар стандартлари ва Хельсинки декларацияси тамойилларига мувофиқ амалга оширилган. Ҳар бир ёш-жинс гуруҳида пародонт касалликларининг тарқалиши CPITN индексининг қиймати бўйича баҳоланган.

Пародонтит ривожланишида тиббий-ижтимоий хавф омилларини белгиловчи, миқдорий ва сифатий қийматларни тавсифловчи, ўрганиладиган кўрсаткичларнинг рўйхатини тузиш; ҳар бир кўрсаткич учун ўлчов чегараларини белгилаш ва сўровнома матричасини ишлаб чиқиш; омилларни кодлаш, белгиларни миқдорий қийматларини ўрнатиш амалга оширилган.

Тадқиқот баённомасига мувофиқ, ўрганилаётган шахслардан сўровномалар олиш орқали турмуш тарзи ва пародонтит ривожланишининг тиббий-ижтимоий хавф омилларини тавсифловчи кўрсаткичларни мавжудлиги тўғрисида анамнестик маълумотлар олинган. Хавф омилларини ўрганиш икки тоифа бўйича амалга оширилган: 0 – мавжуд эмас ва 1 – белгилари бор.

Регрессия таҳлилида “комбинацияланган натижа” кўрсаткичини кодлаш: 0 - йўқ, 1 - бор; “ТП бирламчи мавжудлиги/мавжуд эмаслиги” кўрсаткичи: 0 - ТП йўқ, 1 - ТП мавжуд; “жинс” кўрсаткичи: 0 – аёллар, 1 – эркеклар. Статистик аҳамиятнинг критик даражаси 0,05 деб қабул қилинган. Пародонтит тарқалувчанлиги хавф омили ҳиссаси кўрсаткичи сифатида, логик регрессив таҳлилда b-коэффициенти қийматлари баҳоланган.

Шунингдек, хавф омилларини ёш-жинс гуруҳларида ва умумий изланувчилар орасида тарқалувчанлиги ҳисоблаб чиқилган. Пародонтит хавф омилларининг юкламаси формулага мувофиқ хавф омилларининг тарқалувчанлигини пародонтит ривожланиш хавфига қўшган ҳиссаси йиғиндисини кўринишида ҳисоблаб чиқилган:

$R = \sum(RC)n$, (1), бунда R – пародонтит хавф омилларининг юкламаси; R – хавф омилининг тарқалувчанлиги, %; C – хавф омилининг ТҚ тарқалувчанлиги қийматларига ҳиссаси.

Сўнгра ёш-жинс гуруҳларида умумий танлов билан солиштирган ҳолда, хавф омиллари юкламасининг фарқи формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилган:

$\Delta R = R_{гр.} - R_{в.}$, (2), бунда ΔR – формула бўйича умумий танлов билан таққослаганда, ёш-жинс гуруҳларида хавф омиллари юкламасининг фарқи; $R_{гр.}$ – ёш-жинс гуруҳларидаги хавф омилларининг юкламаси; $R_{в.}$ – умумий танловдаги хавф омилларининг юкламаси.

Статистик аҳамиятликнинг критик даражаси ва R-даражаси учун ўзгарувчини танлашда 0,05 қиймати қабул қилинган.

2-босқичда сўровнома матричасини тўлдириш ва уни эксперт баҳолаш, ахборот белгиларини танлаш ва регрессия тенгламасини олиш амалга оширилган; охириги 3-босқичда тиббий башоратлаш масаласи ҳал қилинган ва беморни маълум бир хавф гуруҳига киритиш тўғрисидаги хулоса чиқарилган.

Пародонтит билан касалланган 522 бемор (асосий гуруҳ) ва ушбу патологияси бўлмаган 500 бемор (назорат гуруҳи) ўртасида сўровнома ўтказилган. Натижада 150 та индивидуал тиббий – ижтимоий

тавсифномаларни ўз ичига олган электрон маълумотлар базаси шакллантирилган.

Тадқиқотни унификациялаш ва сифатли маълумотларни рақамли шаклга ўтказиш учун, эксперт баҳолари асосида омилларнинг ранжировкаси қўлланилган. Алоҳида омиллар аҳамиятини баҳолашда экспертлар фикри мувофиқлигини баҳолаш учун Кендаллнинг конкордация коэффициенти- W дан фойдаланилди, алоҳида омилларнинг статистик аҳамияти эса χ^2 -Пирсон меъзони асосида аниқланган. Омилларни кодлаш ўтказилганидан кейин уларнинг қийматлари (0 дан 4 гача) диапазонда бўлган. Персонифицирланган давони ишлаб чиқиш учун турли оғирлик даражасидаги тарқалган пародонтит билан касалланган 225 та беморлар танлаб олинди, ТП ва ОБШҚ патологияси бўлмаган 40та бемор назорат гуруҳини ташкил қилди. Стандарт микроциркуляцион тавсифномаларни акс эттирувчи пародонт микроциркуляцияси кўрсаткичлари – M ўр.перф.бирл.; δ – сигма; Kv , % вариация коэффициенти; ИФМ – флаксмоция индекси ўрганилган.

Микротомирларнинг трофик бузилишлари даражаси ёки “микроциркуляциянинг актив механизмлари”ни акс эттирувчи кўрсаткичлар (микротомирлар деворидаги эндотелиоцитлар концентрацияси) – $ALF/ПМ \cdot 100\%$ ва микротомирлар силлиқ мушак аппаратининг ҳолати – $ALF/ПМ \cdot 100\%$ хам ўрганилган.

“Пассив” ёки гемодинамик кўрсаткичлар сифатида кардиоритм тўлқинлари - $АСФ/ПМ \cdot 100\%$ ва пульс ритми $АНФ/ПМ \cdot 100\%$ ўрганилган.

Микроциркуляция кўрсаткичи ЛАКК Допплер-02 қурилмаси (Лазма заводида ишлаб чиқарилган, Россия) билан ўлчанган.

Оғиз суюқлиги ва қон зардобиди ЛПО-АОТ ва суяк ремоделяция жараёнларининг стандарт кўрсаткичлари ўрганилган, улар ушбу жараёнлар ҳақида батафсил маълумот беради.

Липидларни перекисли оксидланиш (ЛПО) маҳсулотлари сифатида ЛПО нинг бирламчи маҳсулотларини концентрацияси – ДК диен конюгатлари, ТК – триен конюгатлари оралиқ маҳсулотлари, ТК- триен конюгатлари охириги маҳсулотлари ва малон диальдегидлар – МДА ўрганилди (Камишников В.С., 2004).

Антиоксидант тизими (АОТ) ферментларининг фаоллиги баҳоланди, улардан: каталаза – КТ (М.А. Корюков ва бошқ., 1988); супероксидисмутаза – СОД (П.Г. Сторожук, А.П. Сторожук, 1998) ва глутатионпероксидаза – ГП (И.А. Зборовская ва М.В. Мякишев 2004) фаоллиги ўрганилган.

Минералли метаболизм ва суяк метаболизми ҳолати унифицирланган колориметрик усул билан аниқланган умумий Са концентрацияси бўйича баҳоланган. Прояллиғланиш ФНО-а ва ИЛ-8, ҳамда яллиғланишга қарши цитокинлар ИЛ-4 ва ИЛ-10 концентрацияси «Вектор Бест» (Россия) стандарт тўплами ёрдамида аниқланган.

Пародонтитнинг персонифицирланган даволаш самарадорлигини баҳолаш учун, клиник тадқиқотларнинг турли қисмларида клиник

изланишлар амалга оширилган. Пародонтитни ривожланишининг устувор хавф омилларига мувофиқ 4та махсус даво йўналиши ажратилган:

- 1 – микроциркуляция бузилиши хавфи устуворлиги билан;
- 2 – ЛПО-АОТ балансининг бузилиши хавфи устуворлиги билан;
- 3 – цитокин балансининг бузилиши хавфи устуворлиги билан;
- 4 – суяк ремоделяцияси бузилишининг хавфи устуворлиги билан.

Ҳар бир сериядаги беморлар 3та таққослаш гуруҳларига бўлинди:

- 1 – назорат гуруҳи, пародонтитда стандарт маҳаллий даво олган.
- 2 – асосий гуруҳ, стандарт давога қўшимча равишда патогенетик йўналтирилган маҳаллий даво олган.

3 – асосий гуруҳ, 2-гуруҳ беморлари олган даво билан бир вақтда, гомеостазнинг аниқданган тизимли бузилишларини коррекциялашга йўналтирилган, интерн-врач томонидан тайинланган тизимли даво олган.

Тарқалган пародонтитни ривожланиш хавфини баҳолаш ва тарқалувчанлигининг тиббий-статистик тадқиқотларида, гуруҳлараро фарқларнинг ишончилиги солиштирма гуруҳларда хавф омиллари имкониятлари (OR) ва 95% ишонч оралиғи (ИО) нисбатилари бўйича ҳисоблаб чиқилган. Категориялик ўзгарувчиларни статистик қайта ишлашда Пирсон χ^2 мезони қўлланилган. Бирламчи мавжуд бўлган/мавжуд бўлмаган тарқалган пародонтитнинг комбинацияланган натижаларга частотасига қўшма таъсирини баҳолаш учун кўп омилли дисперсион таҳлил ўтказилган. Бундан ташқари, кўрсатиб ўтилган омилларнинг қўшма таъсири логистик регрессия таҳлили ёрдамида, ҳолат эҳтимоллиги ва 95% ишончли оралиқ (ИО) ҳисоблаш йўли орқали баҳоланган.

Барча эълон қилинган ҳолатларда статистик аҳамияти фарқнинг минимал даражаси $p < 0,05$ га тенг. Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили стандарт дастурий пакетлар (MS Excel XP, Statsoft и Statistica 10.0) ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг учинчи “Ўзбекистонда катта ёшдаги аҳоли орасида тарқалган пародонтитни ривожланишини хавф омилларини ўрганиш ва аниқлаш ҳамда касалликни башоратлаш модели, клиник-лаборатор кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили” номли бобида Ўзбекистон Республикасида тарқалган пародонтит ривожланиш хавфининг катта ёшдаги аҳоли орасида популяцион детерминантларининг таҳлили амалга оширилди. Ушбу мақсадда, Ўзбекистоннинг 20 ва 60 ёшдан катта аҳоли популяцияси орасида эпидемиологик кўриклар ўтказилди. Танловнинг умумий ҳажми 1036 кишини ташкил этди, шундан 555 (53,57%) нафари аёллар ва 481 (46,43%) нафари эркеклар. Тадқиқот стоматологияда эпидемиологик тадқиқотлар стандартларига ва Хелсинки Декларацияси тамойилларига мувофиқ амалга оширилди. Тадқиқотга ёзилишдан олдин, барча иштирокчилардан тадқиқотда қатнашиши ва пародонт ҳолатини баҳоланиши тўғрисидаги ёзма маълумотли розиликлари олинган.

Маълум бўлишича, катталар популяциясида пародонтитнинг тарқалиши 66,67% ни ташкил қилди ва аста-секин 20-24 ёшдагиларда 18,37%дан 65 ёшдан катталарда 98,35% гача ортади.

Пародонтит юзага келишида муҳим таъсир кўрсатувчи популяцион детерминант таҳлилидан маълумки, ўрганилаётган популяцияда пародонтит ривожланиш сезиларли даражада таъсир этувчи омилларидан бири эркак жинсига таалуклиликдир (OR=1,498; бунда 95% ИО 1,181 – 0,190); шунингдек, тарқалган пародонтитнинг кенг тарқалиши паст ижтимоий статус (OR=1,579; бунда 95% ИО 1,223 – 2,003) ва оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилмаслик (OR=1,393; бунда 95% ИО 1,084 – 0,790) билан боғлиқ; чекиш одати (OR=2,869; бунда 95% ИО 2,178 – 3,750) ва сурункали соматик патология (OR=1,977; бунда 95% ИО 0,848 – 1,366); ижтимоий-маиший яшаш шароитларининг пастлиги (OR=1,131; при 95% ИО 0,891–1,436); озиқ-овқат таркибида углеводларнинг кўплиги (OR=1,537; бунда 95% ИО 1,178 – 2,005) ва жон бошига ўртача даромадни кунлик яшаш минимумидан пастлиги (OR=1,946; бунда 95% ИО 1,523 – 2,478) ҳам касалликнинг тарқалувчанлигини оғирлаштиради (1-жадвал).

1-жадвал

Ижтимоий хавф омиллари ва тарқалган пародонтит ривожланиш эҳтимоллигининг имкониятлар муносабати катталиклари ва регрессион таҳлил маълумотлари бўйича ўзаро боғлиқлиги


Хавф омилли	OR	S	ДИ(СИ)- ДИ-СТ 5%-95%	Пирсон χ^2	p	b
X1 Эркак жинси	1,498	0,121	1,181- 0,190	14,204	<0,001	0,0185
X2 Ижтимоий статус	1,579	0,122	1,224- 2,003	6,725	<0,01	0,0524
X3 Оғиз бўшлиғи гигиенаси	1,393	0,128	1,084- 1,790	58,246	<0,001	0,300
X4 Чекиш	2,869	0,141	2,178- 3,780	58,628	<0,001	0,103
X5 Сурункали соматик патология	1,976	0,121	0,848- 1,366	52,236	<0,001	0,252
X6 Ижтимоий-маиший шароитлар	1,191	0,122	0,891- 1,436	11,993	<0,001	0,106
X7 Овқатланиш	1,537	0,136	1,178- 2,005	7,867	<0,006	0,25
X8 Жон боши даромади	1,946	0,123	1,523- 2,478	29,508	<0,001	0,130

Пародонтит касаллигининг юзага келишида таъсир кучига кўра, хавф омиллари куйидаги тартибда жойлашади: 1-ўринда оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилмаслик, омилнинг ҳиссаси 0,301 ўлч.бирл.; 2 – ўринда сурункали соматик касалликларнинг мавжудлиги – 0,252 ўлч.бирл.; 3-чи – ўринда овқат таркибида углеводларнинг кўплиги – 0,252 ўлч.бирл.; 4-чи –

Ўринда кам даромад пародонтит ривожланишини 0,139 ўлч.бирл. оширади; 5-чи ўринда чекиш – 0,106 ўлч.бирл.; 6 – ўринда паст ижтимоий статус пародонтит ривожланиши хавфини популяцияда 0,0524 ўлч.бирл. оширади; 7 – ўринда эркак жинси бўлиб, пародонтит тарқалувчанлигини 0,0185 ўлч.бирл. кўпайишига олиб келади.

Логистик регрессия таҳлили ёрдамида ҳисоблаб чиқилган хавф омиллари юкламаси барча сўров ўтказилган аҳолида 48,97 га тенг. Ёш катталари билан хавф омиллари юкламаси 20-24 ёшли аҳолида 15,38 дан, 65 ёшдан катта ёш гуруҳида 75,12 гача ошади.

Кичик ёш гуруҳларда кўшимча хавф популяция бўйича ўртача қийматдан паст: 20-24 ёш гуруҳида – 34,60; 25 – 34 да – 11,52га; индекс ёш гуруҳи аҳолисида – популяция бўйича ўртача кўрсаткичга максимал яқин - 0,88 га кам ҳамда 45-54ёш гуруҳида 8,99 га; 55 - 64 ёшда – 10,20 ва 65 ёшдан катталарда – 17,40га ошади (1-расм).



1-расм. Катта ёшдаги аҳоли ёш гуруҳларида пародонтитнинг популяцион хавфига кўшимча хавфнинг катталиги

Математик-статистик моделлаштириш асосида тарқалган пародонтитнинг юзага келишини башоратлаш ва ривожланишини моделлаштириш самарадорлигини оширишдаги илмий-асосланган ёндашувларни ишлаб чиқиш мумкин.

Пародонтит юзага келганининг прогнози чизиқли регрессия тенгламаси асосида амалга оширилди, бу ўз навбатида тарқалган пародонтит ривожланиш эҳтимолига турли омиллар таъсир даражасини ўзаро солиштириш ва уларни ўрганилаётган касалликка таъсирини йўналишини белгилаш имконини берди

Ҳисоблар натижасида кўп сонли регрессиянинг тенгламаси олинди:

$$Y = -0.7819 + 0.05239X_1 + 0.5476X_2 - 0.2017X_3 + 0.4475X_4 - 0.06029X_5 + 0.1752X_6 + 0.7049X_7 + 0.04387X_8 - 0.1951X_9.$$

Тенгламанинг статистик аҳамияти детерминация коэффициенти ва Фишер мезони ёрдамида текширилди. Кўп сонли корреляция коэффициенти $R=0,93$; Фишер мезони $F=44.358$, чунки жадвал қиймати $F=1.96$ га тенг. Амалий қиймат $F > F_{кр}$ бўлгани учун, детерминация коэффициенти статистик жиҳатдан муҳим ва регрессия тенгламаси статистик ишончли (яъни, b_i коэффициентлари биргаликда аҳамиятли). Бунда, ўрганилаётган вазиятда Y -умумий ўзгарувчанликнинг 86,75% ва X_j омилларнинг ўзгариши билан изоҳланади.

Пародонтит ривожланишининг прогностик эҳтимолини кўп сонли регрессия тенгламаси бўйича ҳисобланган. Бинар ўзгарувчини ҳисоблаш учун регрессион тенгламаси (логит-ўзгартириш) қўлланилди, муайян бир беморда тарқалган пародонтит ривожланиш хавфи қуйидаги формула бўйича аниқланди:

$$P = \frac{1}{1 + e^{-Y}}$$

бунда,

P – пародонт тарқалган зарарланишинг ривожланиш эҳтимоли;

e – 2,71 натурал логарифмлар асоси;

Y – регрессия тенгламасини ҳисоблаш натижаси.

Агар P 0,30 гача тенг бўлса, у ҳолда касалликни аниқлаш хавфи паст бўлади; P 0,31 дан 0,60 гача - ўртача ва P 0,60дан баланд бўлса – юқори.

Қурилган моделларнинг верификацияси тест танлови асосида ўтказилди, унинг таркибига 158 бемор киритилган бўлиб, уларда 124 ҳолатда тарқалган пародонтит қайд этилган.

Ташхиснинг тасдиқланиши 98,39% беморда қайд этилган, бунда 1,61% беморда тарқалган пародонтитнинг ривожланиш хавфи тасдиқланмади, бу ўз навбатида, ишлаб чиқилган моделнинг юқори башоратлаш хусусиятига эга эканлигини тасдиқлайди. Ишлаб чиқилган моделнинг диагностик аниқлиги 96,34%; сезгирлиги 93,85%, ўзига хослик эса 94,74%ни ташкил қилади.

Олинган прогностик моделни клиник амалиётда қўлланилиши тарқалган пародонтитнинг хавфи юқори бўлган беморларни аниқлаш учун қўлланилиши мумкин, бу даволаш-профилактика чора-тадбирларини ўз вақтида бажариш имконини беради ҳамда ташхислаш ва даволаниш даражасини оширади (2-жадвал).

Хавф омиллари бўлган ва касалликнинг ривожланиши билан статистик боғлиқ индивидуал тиббий-ижтимоий тавсифномалар патология ривожланишини олдини олишга қаратилган тиббий-ташқилий тадбирларни ўз вақтида амалга оширилишида асос бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотчилар пародонт касалликларини юзага келиши ва жадаллашишида иштирок этувчи янги механизмларни аниқлашни давом эттирмоқдалар. Бу тадқиқотларда яллиғланишни юзага келиши ва жадаллашиши механизмлари соҳасига, зарарланган тўқималар яллиғланиш ҳужайралари ва медиаторларининг тизими сифатида эътибор қаратилган.

**Тарқалган пародонтитнинг ривожланиш моделини апробация
натижалари**

Беморлар гуруҳи	Тарқалган пародонтит ривожланиш хавфини баҳолаш	
	Чин мусбат	Ёлғон манфий
Тарқалган пародонтитли n = 124	$\frac{122}{98,39} +1,13$	$\frac{2}{1,61} +1,13$
Пародонт касалликлари йўқ n = 44	$\frac{36}{81,82} +1,81$	$\frac{8}{18,18} +5,81$
Ташхис аниқлиги %ларда – 96,34%		
Сезгирлик – 93,85%		
Ўзига хослик % – 94,74%		
Мусбат эҳтимоллик – 17,83%		
Касалликни манфий эҳтимоллиги – 0,06%		
Ижобий натижанинг прогностик қиймати – 98,39%		
Салбий натижанинг прогностик қиймати – 81,82%		

Шу билан бирга, микроб инвазиясига қарши яллиғланиш/иммун жавоби, гомеостазни сақлашнинг турли тизимлари учун масъул бўлган турли хил модуллар билан ифодаланади. Чунки, пародонтит ривожланишида яллиғланишга мойил ва яллиғланишга қарши механизмлар мувозанатининг бузилиши кузатилади, бунда ушбу мураккаб тизимдаги молекуляр ва хужайрали ҳодисаларни тўлиқроқ тушуниш муҳим аҳамиятга эга.

Айрим беморларда, хавф омиллари ва уларнинг комбинацияси кўрсаткичларининг силжиш даражаси сезиларли равишда фарқ қилиши мумкин, бу касаллик кечишини турли оғирлик даражаларида ҳар бир кўрсаткич учун “меъёр/патология” чегарасини аниқлаш ва тарқалувчанлигини батафсил ўрганиш заруриятини белгилайди ва шу билан бирга, самарали даво ва профилактика чора-тадбирларининг аосланишини таъминлайди.

Шундай қилиб, муаммонинг батафсил ўрганилишига қарамай, тарқалган пародонтитни даволаш самарадорлиги янаям яхшиланишни талаб этади. Аввало, бу ТП патогенезининг гетерогенлиги ва организмнинг кўпгина аъзо ва тизим касалликларининг (эндокрин патологияси, ошқозон-ичак тракти, нафас олиш органлари касалликлари, юрак-қон томир патологияси ва бошқ.) боғлиқлиги билан асосланади.

Тўртинчи бобда тарқалган пародонтитнинг персонифицирланган даво самарадорлигининг солиштирма натижалари келтирилган. Тарқалган пародонтитни даволашнинг дастлабки босқичида пародонтал чўнтакнинг пародонтопатоген микрофлорасидан тозалаш долзарб ҳисобланади, уни бартараф этгандан сўнг патогенетик йўналтирилган терапия усулини танлаш ва тавсия этиш масаласи биринчи қаторга чиқади. Бу танлов даволаш самарадорлиги ва рецедив давомийлигини белгилаб беради. Одатда,

патогенетик йўналтирилган даво патология шаклланишининг устувор механизмини инобатга олмаган ҳолда тайинланади.

Барча айтиб ўтилганлар, ҳар бир алоҳида беморда тарқалган пародонтит ривожланишининг устувор патогенетик механизмини аниқлаш имкониятини берувчи, дастурий модулни ишлаб чиқиш заруриятини белгилаб берди. Шу сабабли ҳар бир беморда ўз ичига пародонт зарарланиши ривожланишининг патогенетик механизмларини детерминирловчи иммунологик, яллиғланиш, метаболик ва биокимёвий бузилишларни олган, аввало тасдиқланган биокимёвий, иммунологик ва микроциркулятор кўрсаткичлари ўрганилди. Рентгенологик текширув ўз ичига оғиз ичи контакт сурати ва ортопантомографияни олди.

Даволаш режасини тузишда касалликнинг умумий манзарасига, ҳар бир параметр учун аниқланган “меъёр-патология” чегараси ва уни меъёрлаштириш усулини турли даражадаги ҳиссасини ифодаловчи ҳар бир параметрнинг улуши инобатга олинди.

Пародонтит ривожланишининг патогенетик механизмига ҳар бир кўрсаткичнинг ҳиссасини аниқлаш алгоритми 3та босқичдан иборат:

Биринчи босқичда ҳар бир кўрсаткич учун “меъёр-патология” интервали аниқланди.

Иккинчи босқичда ҳар бир кўрсаткич учун хавф тоифалари белгиланди ва ўлчаш шкаласига киритилган хавф кодлари киритилди.

Учинчи босқичда ҳар бир кўрсаткичнинг тарқалган пародонтит клиник кечишининг оғирлигини умумий интеграл баҳолашга ҳиссаси даражаси аниқланди.

Олинган маълумотлар асосида ҳар бир танланган ривожланиш патогенетик механизмларининг хавф тоифаси ва хавф кодини аниқлаш имкониятини берувчи, касаллик модели шаклланади.

Персоналицицирланган даво оптимал алгоритми маълум тоифа ва кодга мос келувчи интервал оралиғига кирган ва ўрганилаётган параметрларнинг миқдорий баҳоланишини қўллаган ҳолда пародонтит ривожланишининг патогенетик механизмларини интеграл баҳолаш орқали белгиланади.


Таклиф этилаётган касалликнинг патогенетик механизмлари кўрсаткичлари ва силжишларини ҳисоблаш алгоритми инструментал, иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларни минтақавий меъёрдан ўзгариш даражасига асосланган. Касаллик моделини график кўришда ҳар бир беморда пародонтит ривожланиши патогенетик механизмларининг индивидуал хусусиятлари ўрганилган кўрсаткичларнинг графикда белгиланган “меъёр” даражасидан четланишлари яққол ифодаланади. Олинган график материаллар танланган параметрларни шартли ўртача катталиқдан персонал силжишларини аниқ намоён этади, бу ўз навбатида патогенетик йўналтирилган персоналицицирланган даво тактикасини, шунингдек кўшимча текширувларнинг зарурати ва ҳажмини белгилайди.

Ҳар бир белгиланган хавф тоифаси учун касаллик патогенезига кўрсаткич ҳиссасини аниқлаш имкониятини берувчи хавф кодлари

